



Эрозияга учраган типик бўз тупроқларда ўғитларни табақалаштириб қўллашни тупроқ намлик режимига таъсири.

Х.Х.Норхўжаев.
Мустақил тадқиқотчи

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ қатламларини эрозиядан ва ифлосланишлардан муҳофаза қилиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва ғалла экинларидан юқори ҳамда сифатли ҳосил олиш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Кўп йиллик экспериментал тадқиқотлар ва республикамизнинг илғор хўжаликлари тажрибаси шуни кўрсатадики, суғориладиган майдонларда минерал ва органик ўғитларни қўллаш самарадорлигини ошириш ғалла ҳосилдорлиги ва дон сифатини яхшилашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Деҳқончиликда ўғитлардан фойдаланишни анъанавий усулларидадан воз кечиб, уларни самарадорлигини оширишни илмий асосланган йўларини топиш керак. Республикамизнинг жанубий минтақаларда ғалла, шу жумладан кузги буғдой етиштиришни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу эса ғалла ўсимликларидан юқори ҳосил олиш, уни етиштириш учун қулай шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги экинларини озиклантириш ва суғориш режимини бошқариш ғалладан юқори ҳосил олишни белгилаб берувчи асосий омилдир. Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонлари турли даражада сув эрозиясига (ирригацион) учраган. Эрозия таъсирида тупроқнинг устки унумдор қисмининг ювилиши (емирилиши) натижасида тупроқнинг асосий хосса-хусусиятлари кескин ёмонлашади ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва дон сифати ҳам мутаносиб равишда маълум даражада ёмонлашади. Сурхондарё вилояти Денов тумани атрофида тарқалган типик бўз тупроқларнинг эрозияланиш даражасини ўрганиб, эрозияга қарши кураш элементлари асосида тупроқни агрофизик, сув-физик хоссаларини, тупроқ унумдорлигини яхшилаш мақсадида илмий тадқиқотлар ишлари амалга оширилди. Тадқиқот ишларимиз қиялик даражаси 3-5⁰ бўлган эрозияланган экин майдонларида тупроқ унумдорлигини яхшилаш ҳамда буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифатини оширишда хўжаликда қўлланилаётган маъданли ва минерал ўғитларни қиялик бўйлаб табақалаштириб қўллаш асосида амалга оширилди. Қуйида бажарилган тадқиқотимизнинг айрим вариантларидан олинган натижаларни маълумот сифатида бериб ўтамиз. **Тажриба даласида табақалаштириб қўлланилган ўғитларнинг суғориладиган типик бўз тупроқлар эрозияланиш даражасига қараб намлик миқдори таъсири.**(Денов тумани Ш.Қобилов ж/х, “Эркин” ф/х. 2006 й ноябрь-2007 й апрель).

Тажриба вариантлари	Чуқурлиги см	1-суғоришдан 3-7 кундан кейин				2-суғоришдан 3-7 кундан кейин			
		Ўртача эрозияланган		Ювилиб тўпланган		Ўртача эрозияланган		Ювилиб тўпланган	
		3	7	3	7	3	7	3	7
1-вариант	0-10	14,6	9,8	15,7	10,2	13,4	9,1	14,1	9,9
Назорат	10-20	16,4	12,5	15,3	17,5	15,2	12,1	16,1	16,4
(ўғит	20-30	16,8	14,3	17,4	17,4	15,4	11,9	16,3	16,3
қўлланилмаган)	30-40	16,9	14,5	17,8	16,5	15,7	11,7	16,7	15,4
	40-50	14,7	12,3	15,9	17,4	13,8	11,8	14,5	16,3
	50-60	14,6	11,0	15,7	16,2	13,5	12,0	14,4	15,0
	60-70	13,8	11,2	14,5	15,2	12,7	11,0	13,8	14,1
	70-80	14,7	12,5	15,3	15,2	13,9	11,0	14,7	14,1
	80-90	14,5	12,6	15,7	15,1	13,7	11,5	14,6	14,0
	90-100	16,3	14,2	17,4	15,1	15,6	11,6	16,5	14,0
2-вариант	0-10	15,2	10,1	15,7	10,3	14,8	9,5	15,4	10,0
НРК хўжалик	10-20	15,4	16,2	16,4	16,5	16,4	15,2	17,3	15,4
шароитидаги меъёр	20-30	17,3	15,5	17,6	17,5	15,6	14,4	17,5	16,4
(фон) + кузги	30-40	17,2	15,4	17,9	17,3	15,7	14,3	18,4	16,2
буғдой	40-50	15,6	16,3	18,8	17,5	16,8	15,1	18,5	16,4
	50-60	15,8	15,2	19,9	19,5	15,4	14,8	19,8	18,4
	60-70	14,6	15,6	17,7	16,6	15,7	14,9	17,5	15,5
	70-80	15,7	14,3	18,4	17,5	14,4	13,4	17,6	16,4
	80-90	15,9	14,4	18,6	17,1	14,3	13,3	17,7	16,0
	90-100	17,3	14,1	19,1	17,2	14,9	13,0	17,8	16,1
3-вариант	0-10	16,2	12,9	16,4	11,1	15,7	10,3	16,5	12,7
НРК (фон)	10-20	16,4	14,1	17,8	16,5	17,9	12,8	17,7	15,5
табақалаштириб	20-30	16,5	14,6	18,4	16,2	18,1	12,3	17,8	15,7
қўлланилган	30-40	18,4	16,3	19,4	17,0	19,0	13,4	18,4	16,1
+кузги буғдой	40-50	16,3	15,1	18,3	16,1	18,4	14,1	17,5	15,3
	50-60	15,4	14,0	18,7	16,4	18,3	14,4	17,4	15,6

	60-70	16,4	14,9	18,4	16,2	14,1	12,9	17,3	15,0
	70-80	16,3	14,3	17,4	15,8	15,2	13,1	16,5	14,2
	80-90	15,2	13,8	17,6	15,4	14,3	12,3	16,6	14,1
	90-100	16,3	14,4	16,7	14,4	13,0	11,3	15,3	13,6

Юқоридаги жадвал асосида тажриба вариантларимиз 1-вариант ўғит қўлланилмаган (назорат) вариантимиз, 2-вариант ўғит қўллашни хўжаликдаги қўлланилган меъёр варианты ва 3-вариант хўжаликда қўлланилган ўғит меъёрини табақалаштириб қўллаш вариантларимизнинг тупроқ намлигига таъсири натижалари таққосланди. Жадвал маълумотларига кўра, 3 вариантимизда тупроқнинг 0-100 см қатламларида намлик 1-вариант (назорат)га нисбатан юқори бўлган. Айниқса, тупроқнинг ҳайдалма қисми 10-40 см қатламларида намликнинг ортганлик ҳолатини яққол кўришимиз мумкин. Бу ўғитларнинг тупроқда намликни ушлаб туриш самарадорлигини оширганини кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ўғитларини табақалаштириб қўллаш қиялик экин майдонлари тупроқларида намлик захирасини сақлашга ижобий таъсир кўрсатди. Ушбу усул қиялиги мавжуд бўлган экин майдони тупроқларида тупроқ унумдорлигини яхшилаш, буғдой етиштириш самарадорлигини ошириш учун тавсия этилади.